

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc. 02/30.01.2020. К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ТОШМУРОДОВ ТУРДИБЕК ТУРСУНМУРАТОВИЧ

**5-АМИНО-1,3,4-ТИАДИАЗОЛ-2-ТИОН ҲОСИЛАЛАРИНИНГ
СИНТЕЗИ ВА КИМЁВИЙ ЎЗГАРИШЛАРИ**

02.00.03 – Органик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Тошмуродов Турдибек Турсунмуратович

5-Амино-1,3,4-тиадиазол-2-тион ҳосилалари синтези ва кимёвий

ўзгаришлари 3

Тошмуродов Турдибек Турсунмуратович

Синтез и химические превращения производных 5-амино-1,3,4-
тиадиазол-2-тиона

23

Turdibek Toshmurodov

Synthesis and chemical transformations of derivatives of 5-amino-1,3,4-
thiadiazole-2-thion

43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 46

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc. 02/30.01.2020. К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ТОШМУРОДОВ ТУРДИБЕК ТУРСУНМУРАТОВИЧ

**5-АМИНО-1,3,4-ТИАДИАЗОЛ-2-ТИОН ҲОСИЛАЛАРИНИНГ
СИНТЕЗИ ВА КИМЁВИЙ ЎЗГАРИШЛАРИ**

02.00.03-Органик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Филсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/K209** рақим билан рўйхатга олинган.

Диссертация **Ўсимлик** моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzicps.uz) ва "ZiyoNet" ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Зиёев Абдуҳаким Анварович
кимё фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий охиричи:

Ходжаниязов Хамид Ўткирович
кимё фанлари доктори, катта илмий ходим

Холиқов Турсунали Суинович
кимё фанлари доктори, доцент

Етакчи таъкилот:

Тошкент фармацевтика институти

Диссертация химояси **Ўсимлик** моддалари кимёси институти хузуридаги DSc.02/30.01.2020.K/T.104.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «03» май соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улугбек кўч., 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48).

Диссертация билан **Ўсимлик** моддалари кимёси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (28 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улугбек кўч., 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48, e-mail: nhidirova@yandex.ru)

Диссертация автореферати 2023 йил «10» апрел да тарқатилди.

(2023 йил 10 сентя даги 7 рақамли реестр баённомаси).



Ш. Ш. Сағдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

Н. К. Хидирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, кимё фанлари номзоди,
катта илмий ходим

Э. Х. Ботиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси
кимё фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда дунёда фармацевтик препаратларнинг асосини синтетик гетероҳалқали бирикмалар ташкил қилади. Бундай бирикмалар каторида беш аъзоли гетероҳалқали бирикмалар, хусусан 1,3,4-тиадиазоллар, уларнинг тиоаналоглари ва ҳосилаларини кўришимиз мумкин. Охириги йилларда жаҳонда гетероҳалқали бирикмалар кимёси соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ҳақидаги маълумотлар таҳлили таркибида тиадиазол ҳалқасини тутган фармакологик фаол препаратлар сонининг кўпайиб бораётганини кўрсатади.

Бугунги кунда гетероҳалқали бирикмаларнинг электрофил ва нуклеофил реагентлар билан биологик фаол моддаларга олиб келувчи йўналтирилган синтезларни амалга ошириш, реакцияларнинг боришига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш ва ҳосил бўлган маҳсулотларнинг тузилишини аниқлаш органик кимёнинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Шулардан келиб чиқиб, ҳозирги вақтда замонавий органик кимё усулларини қўллаган ҳолда 1,3,4-тиадиазол-2-тионларнинг янги ҳосилаларини синтез қилиш ва улар асосида самарали дори воситаларини яратиш жадал суръатларда ривожланмоқда, натижада диуретик хусусиятли Ацетазоламид, антибактериал Сульфаметазол ва Цефазолин, антидепрессант Атибепрон каби препаратлар, ҳамда ялли таъсирга эга Этидибимурон ва Бутиурон гербицидлари яратилган.

Республикамиз халқ хўжалигининг барча тармоқларини ўз ичига олувчи кенг қамровли ислохотлар сўнгги йилларда катта миқёсларда амалга оширилмоқда. Бунда халқ хўжалигининг турли соҳалари, айниқса кишлок хўжалигида ва тиббиётда қўлланиладиган янги препаратларни илмий-техникавий ишланмаларни, шу жумладан, нозик органик синтез усулларини қўллаган ҳолда яратиш борасида муҳим натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида¹ «Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш» вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда 5-амино-1,3,4-тиадиазол-2-тионларни янги ҳосилаларининг мақсадли синтезини амалга ошириш, олинган бирикмаларнинг биологик фаоллигини аниқлаш ва улар асосида фармакологик (микроб ва замбуругларга қарши, цитотоксик ва б.) ва пестицидлик (ўсишни ингибирловчи, инсектицид) хусусиятли препаратларни яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур диссертация иши тадқиқотлари, 2020 йил 12 августдаги “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4805 сон

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон «2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармогини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5834287>

қарори, 2019 йил 10 апрелдаги «Республикамизда 2019-2021 йилларда фармацевтика соҳасини жадал ривожлантиришнинг кейинги чоратadbирлари тўғрисида»ги ПФ-5707-сон фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. Кимё фанлари, кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Беш аъзоли гетероциклик бирикмалар қаторига кирувчи алмашинган 1,3,4-тиадиазолларнинг янги ҳосилаларини синтез қилиш, уларнинг хусусиятларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар деярли 100 йилдан бери олиб борилмоқда. Бир қатор хорижий илмий марказларда фаолият олиб борган олимлар - S.M. Losanitch, R. Sharma, A. Almasirad, L. Popiolek, V. Petrow, A. Aliabadi, F. Clerici, Li Sha Jing, G.A. Barbosa, A.A. Othman ва бошқалар 1,3,4-тиадиазол-2-тионнинг турли ҳосилалари синтезини, уларнинг физик-кимёвий ва биологик хусусиятларини ўрганишган. Республикамиз олимлари Х.М. Шахидоятов, Г.Г. Галустьян, Р.Ф. Амбарцумова, К. Сабилов, Ў.С. Махмудов, В.А. Сапрыкина, Б.Ташходжаев, Х.К. Полвоновлар бу йўналиш ривожига ўз ҳиссаларини қўшишган. Адабиётларда келтирилган маълумотларнинг таҳлили 5-алмашинган-1,3,4-тиадиазол-2-тионларнинг синтези ва биологик фаолликлари қисман ўрганилганлигини, шунингдек бир нечта реакцион марказга эга бўлган 5-амино-1,3,4-тиадиазол-2-тион ва унинг ҳосилалари ҳақида маълумотлар камлигини кўрсатади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, 5-амино-1,3,4-тиадиазол-2-тионнинг янги истикболли ҳосилаларини синтези ва кимёвий ўзгаришларини амалга ошириш, олинган бирикмаларни хусусиятларини тадқиқ қилиш ҳам назарий ҳам амалий жихатдан мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф7-Т207 «Биологик фаол гетероциклик бирикмалар молекуласида асимметрик марказ ҳосил қилишнинг назарий муаммолари» (2012-2016) ва ВА-ФА-Ф-7-006: «Сульфонилмочевиналар, триазинлар ва уларнинг гетероциклик аналоглари қаторида селектив пестицидларнинг янги авлодини синтез қилишнинг фундаментал асослари» (2017-2020) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 5-амино-1,3,4-тиадиазол-2-тионни янги ҳосилаларини синтез қилиш, уларнинг кимёвий ўзгаришларини амалга ошириш ҳамда физик-кимёвий ва биологик хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

-калий алкилксантогенатлар иштирокида 5-амино-1,3,4-тиадиазол-2-тион синтезининг такомиллашган усулини ишлаб чиқиш;

- алкил-, аллил-, фенацил-, бензилгалогенидлар ва хлорсирка кислотасини алкил эфирлари билан алкиллаш реакцияларини амалга ошириш, реакция йўналишига таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш;

-2-алкилтио-5-амино-1,3,4-тиадиазолларнинг амина гуруҳи бўйича ацетилхлорид, хлорацетилхлорид ва алкилхлорформиатлар иштирокидаги реакцияларини амалга ошириш;

-гетероциклик аминларни 2-алкилтио-5-(N-хлорацетиламида)-1,3,4-тиадиазоллар билан амидоалкиллаш;

-2-алкилтио-5-амино-1,3,4-тиадиазолларни изотиоцианатлар билан реакцияларини олиб бориш;

-2-алкилтио-1,3,4-тиадиазол-5-фенилтиомочевиналарнинг гетероҳалқаланиш реакцияларини ўтказиш;

-2-алкилтио-5-(N-хлорацетиламида)-1,3,4-тиадиазолларни калий тиоцианат (KSCN), аммоний тиоцианат (NH₄SCN) ва тиомочевина (NH₂C(S)NH₂) билан реакцияларини амалга ошириш;

-синтез қилинган бирикмаларнинг тузилишини физик-тадқиқот усуллари ёрдамида аниқлаш ва улар орасидан биологик фаол моддалар излаш.

Тадқиқотнинг объекти 5-амино-1,3,4-тиадиазол-2-тион ва унинг синтез қилинган янги ҳосилаларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети 5-амино-1,3,4-тиадиазол-2-тионни электрофил реагентлар билан таъсирланишидан олинган 2-алкилтио-, 2-алкилтио-5-(N-ацетил-(N-хлорацетил)амида)-1,3,4-тиадиазоллар, N-(2-алкилтио-5-ацетида)-1,3,4-тиадиазолил)-(пиперидин, морфолин, цитизинлар), 2-алкилтио-1,3,4-тиадиазол-5-фенилтиомочевиналар ва уларни гетероҳалқаланиш реакциялари маҳсулотларини олишнинг шароитлари, физик-кимёвий ва биологик хоссаларини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Нозик органик синтез усуллари, УБ, ИҚ-, ¹H ва ¹³C ЯМР-спектроскопия, рентген тузилиш таҳлили (РТТ), масс-спектрометрия, юпка қатламли хроматография (ЮҚХ) ва *in vitro* биологик тадқиқот усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор 5-амино-1,3,4-тиадиазол-2-тионни турли электрофил агентлар билан ўзаро таъсирлашиши тизимли равишда тадқиқ қилинган ва реакциялар боришига таъсир қилувчи асосий омиллар аниқланган;

5-амино-1,3,4-тиадиазол-2-тионни алкилгалогенидлар билан селектив алкиллаш амалга оширилган ва фақат S-алкил маҳсулотлар ҳосил бўлиши аниқланган;

илк бор молекуласида тиазолидин-4-он, 3-фенилтиазолидин-4-он ва 3,4-дифенилтиазол-2(3H)-имин фрагментларини сақловчи 1,3,4-тиадиазол-2-тионнинг истикболли янги бициклик ҳосилалари синтез қилинган;

илк бор 2-бутилтио-1,3,4-тиадиазол-5-фенилтиомочевинанинг малон

кислотаси билан таъсирдан янги аннелирланган 1,3,4-тиадиазолопиримидин ҳосил бўлиши аниқланган ва реакциянинг тахминий механизми тавсия этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

молекуласида реакция фаол амина-гуруҳи сақлаган 5-амино-1,3,4-тиадиазол-2-тион ва 2-алкилтио-5-амино-1,3,4-тиадиазолларни синтез қилишнинг самарали усуллари яратилган;

таркибида кимёвий фаол (хлорацетил, тиомочевина) фрагментлар ва фармакофор гетероҳалкалар (тиазолидин-4-он, цитизин) тутган бирикмалар олишнинг қулай усуллари ишлаб чиқилган;

янги гетероҳалкали бирикмалар олишда муҳим синтон бўлган 2-алкилтио-1,3,4-тиадиазол-5-фенилтиомочевиналарни синтез қилишнинг мақбул усуллари яратилган;

2-алкилтио-5-амино-1,3,4-тиадиазоллар асосида янги бигетероҳалкали бирикмалар олишнинг қулай гетероҳалқаланиш усуллари ишлаб чиқилган;

синтез қилинган бирикмалар орасида инсектицид, цитотоксик ҳамда микробларга қарши танлаб таъсир этувчи моддалар борлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий УБ-, ИҚ-, ^1H ва ^{13}C ЯМР-спектроскопия, масс-спектрометрия, рентген тузилиш таҳлили (РТТ), хроматографик (ЮҚХ, колонкали), биологик (*in vitro*) тадқиқот усуллари қўллаш, ҳамда олинган натижаларни салоҳияти юқори бўлган журналларда эълон қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, илк бор тизимли тарзда 5-амино-1,3,4-тиадиазол-2-тионни электрофил ва нуклеофил реагентлар билан реакциялари мақсадли равишда амалга оширилган ва жараёнларнинг боришига таъсир этувчи омиллар аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти 67 та бирикманинг синтез қилинганлиги ва улардан 47 тасининг янги эканлиги, 12 та бирикманинг РТТ натижалари халқаро Кембридж марказий кристаллографик маълумотлар базасига киритилганлиги, амалий аҳамиятга эга ацетил-, хлорацетил-, мочевина, тиазолидин-4-он, 3-фенилтиазолидин-4-он, 3,4-дифенилтиазол-2(3Н)-имин, тиазол фрагментли ва бициклик ҳосилаларни олишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилганлиги, синтез қилинган бирикмалар орасида инсектицидлик, цитотоксик ва яллигланишга қарши фаолликка эга моддалар аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотларнинг жорий қилиниши. 5-Амино-1,3,4-тиадиазол-2-тион ҳосилалари синтези ва уларнинг кейинги модификацияларининг самарали усуллари тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

2-этилтио-5-амино-1,3,4-тиадиазол, 2-пропилтио-5-амино-1,3,4-тиадиазол, 2-бутилтио-5-амино-1,3,4-тиадиазол, 2-амилтио-5-амино-1,3,4-тиадиазол, 2-гексилтио-5-амино-1,3,4-тиадиазол ва пропил-, изобутил-(5-(бензилтио))-1,3,4-тиадиазол-2-ил)карбаматларнинг рентген тузилиш таҳлили

натижалари Кембридж марказий кристаллографик маълумотлар базасига киритилган (The Cambridge Structural Database, CCDC, 1476419, 1476420, 1515377, 1515378, 1984013, 1984018, 1984019, 1984021, 2118098, 2118099, 2206065, 2206066). Натижада бу маълумотлар ўхшаш гетероциклик моддаларнинг тузилишини аниқлаш имконини берган;

5-амино-1,3,4-тиадиазол-2-тионнинг синтез қилинган бир қатор янги ҳосилалари 2017-2020 йиллар давомида бажарилган *ФА-Ф-6-009* рақамли: «Табиий бирикмалар ва уларнинг синтетик ҳосилаларининг цитотоксик, антибактериал, замбуругларга қарши ва антиоксидант фаоллигини ўрганиш» илмий лойиҳасида моддаларнинг микробларга қарши фаоллигини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2021 йил 28 октябрдаги № 4/1255-2975 маълумотномаси). Натижада ўрганилган моддалар орасидан граммусбат - *Staphylococcus aureus* ва *Bacillus subtilis* бактерияларига нисбатан ингибиторлик таъсирга эга 1,3,4-тиадиазолларни аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та, жумладан 7 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола республика, 4 та мақола хорижий ва халқаро журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.



ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**5-Амино-1,3,4-тиадиазол-2-тион ҳосилалари синтези ва кимёвий ўзгаришларига оид адабиёт маълумотлари шарҳи**» деб номланган **биринчи бобида** мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий-таҳлилий хулосалар чиқарилган ҳамда илмий адабиётлардаги маълумотлар асосида диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги

белгилаб берилган. Диссертациянинг «5-Амино-1,3,4-тиадиазол-2-тион хосилалари синтези ва кимёвий ўзгаришлари» номли иккинчи бобида тадқиқот натижалари келтирилган.

5-Амино-1,3,4-тиадиазол-2-тион синтези ва алкилгалогенидлар билан алкиллаш. 5-Амино-1,3,4-тиадиазол-2-тион (1) молекуласида тиоамид гуруҳининг (-NH-C=S) экзоциклик S, эндоциклик N атомларини, ҳамда бешинчи ҳолатдаги amino гуруҳнинг мавжудлиги, ушбу реакцион марказларда турли электрофил реагентлар билан ҳосилалар олишга имкон беради. 5-Амино-1,3,4-тиадиазол-2-тион (1) синтези ананавий қўлланиладиган зарарли углерод дисульфиддан фаркли равишда, ишлатилиши қулай бўлган, сувда эрувчан калий алкилксантогенатлар (алкил = этил, бутил) билан юқори унумларда (85-92%) амалга оширилди. Алкилловчи агентларнинг табиатини реакция йўналишига, унумига таъсирини ва синтез қилинган алкилҳосилаларнинг (2-17, 22-27) тузилиши ҳамда физик кимёвий хоссаларини аниқлаш мақсадида 5-амино-1,3,4-тиадиазол-2-тионни (1) гомологик қатор (C₁-C₉) алкилгалогенидлар, алмашинган бензилгалогенидлар ва монохлорсирка кислотасининг (МХСК) алкил эфирлари билан реакциялари ацетонда (K₂CO₃ иштирокида) эритувчининг қайнаш ҳароратида реагентларнинг эквимольяр нисбатларида ўрганилди:



1-Расм. 23-Бирикманинг кристалдаги тузилиши



2-Расм. 15-Бирикманинг кристалдаги тузилиши.




3-Расм. 3-Бирикманинг кристалдаги тузилиши.

Реакциялар амбифункционал NH-C=S гуруҳининг нуклеофиллиги юқори бўлган олтингугурт атоми бўйича селектив равишда бориб, фақат S-ҳосилалар - 2-алкилтио-5-амино-1,3,4-тиадиазолларни 2-17, 22-27 юқори унумларда (90-98%) олиниши билан боради. Бунда ҳосил бўлиши мумкун бўлган гетероҳалқанинг эндоциклик азот атоми N-3 ёки экзоциклик amino гуруҳи бўйича ҳосилалар олиниши аниқланмади. 2-17, 22-27 Бирикмаларнинг ИҚ-


спектрларида тиокарбонил гуруҳининг (C=S) ютилиш частоталарини 1476-1488 см⁻¹ йўқлиги, NH₂ гуруҳнинг бошлангич тион (1, 3248 см⁻¹) ютилиш частоталарига яқин соҳаларда (3261-3309 см⁻¹) намоён бўлиши, ¹H ЯМР спектрларида S-CH₂ протонларининг **2-11** бирикмаларда 3.01-3.08 м.у. соҳада триплет, **12-17** - 4.24-4.35 м.у. ва **22-27** ларда - 3.83-3.92 м.у. соҳаларда синглет сигналларининг борлиги, УБ-спектрларида 281-285 нм соҳалардаги ютилиш максимумлари, ҳамда 3 та модда монокристалининг рентген тузилиш таҳлили (РТТ) натижалари (1-3 расмлар) S-алкил ҳосилаларнинг тузилишини тасдиқлайди. Гомологик қатор (C₁-C₉) алкилгалогенидлар углерод занжири узайиб бориши билан маҳсулотларнинг унуми ошиб бориши кузатилди.

5-Амино-1,3,4-тиадиазол-2-тионнинг фенацил бромид билан реакциялари. Тиадиазолтионни (1) фенацил бромид (BrCH₂COC₆H₅) билан алкиллаш реакциялари 1:1 ва 1:2 нисбатларда ацетон, этанол ва диоксанда хона ҳамда эритувчиларнинг қайнаш ҳароратларида 6 соат давомида олиб борилди:



- i = а) ацетон (20-25°C, 6 с; 56°C, 6 с.)
 б) этанол (20-25°C, 6 с; 78°C, 6 с.)
 с) диоксан (20-25°C, 6 с; 101°C, 6 с.)



4-Расм. 18- Бирикманинг кристалдаги тузилиши.




Барча реакция шароитларида R_f қиймати ва суюқланиш ҳарорати бир хил бўлган оқ кукунсимон бирикмалар ажратиб олинди. Бунда ацетондаги унумлар нисбатан юқори (77-88%), этанолда (74-84%) ва диоксанда эса реагентларнинг нисбати 1:1 бўлганда хона ҳароратида 36%, эритувчининг қайнаш (101°C) ҳароратида 50% эканлиги аниқланди. Диоксанда 1:2 нисбатда 101°C ҳароратда олиб борилган реакция маҳсулоти ажратиб олинмади (реакцион аралашма смолаланиб қолди). Олинган **18** бирикманинг ИҚ-спектрида 1694 см⁻¹ соҳада C=O гуруҳининг янги ютилиш чизикларини пайдо бўлиши, ҳамда 3259 см⁻¹ соҳада эса NH₂ гуруҳига тегишли ютилиш чизикларини сақланиб қолгани кузатилди. Шу бирикманинг ¹H ЯМР спектрида 4.78 м.у. соҳада S-CH₂ протонларининг синглет сигнали, 7.28 м.у. да NH₂ гуруҳига тегишли кенг синглет, фенил гуруҳи протонларига тегишли 7.52 м.у. (2H, т, J=8, ArH-12,14), 7.64 (1H, т, J=7.4, ArH-13), 7.97 (2H, дд, J=1.2, 8.2, ArH-15,11) сигналлар мавжудлиги ва тегишли углерод атомларининг ¹³C ЯМР спектр маълумотлари: 42.13 м.у. (C-8), 129.05 (C-12,14), 129.36 (C-11,15), 134.29 (C-13), 135.70 (C-10), 149.77 (C-2), 170.35 (C-5), 193.95 (C-9), ҳамда РТТ натижалари (4-расм) билан биргаликда синтез қилинган маҳсулот 2-фенацилтио-5-амино-1,3,4-тиадиазол **18** эканлигини тасдиқлайди. Шундай қилиб, ўрганилган реакция шароитларида (ацетон,

этанол, диоксан эритувчиларида 20-25, 56, 78, 101°C хароратларда) фақат S-маҳсулот олинди ва бунда гетероҳалқаланиш содир бўлмаслиги аниқланиб, кутилган циклик **19** бирикма ҳосил бўлиши кузатилмади.


2-Алкилтио-5-амино-1,3,4-тиадиазолларни ацетилхлорид, хлор-ацетилхлорид ва хлорчумоли кислотасининг алкил эфирлари билан ациллаш. 2-Алкилтио-5-амино-1,3,4-тиадиазолларнинг функционал амино гуруҳи бўйича янги ҳосилаларни синтез қилиш мақсадида ацетилхлорид (АХ), хлорацетилхлорид (ХАХ) ва хлорчумоли кислотасининг алкил (пропил, *изо*-бутил) эфирлари билан ациллаш реакциялари ўрганилди. 2-Алкилтио-5-амино-1,3,4-тиадиазолларни **2-12**, **20** ацилловчи агентлар (АА) билан реакциялари қулай ва препаратив аҳамиятга эга усулда хона хароратида, сувсиз бензолда **2-12**, **20**:АА:ТЭА - 1:1.1:1.5 моль нисбатларда олиб борилди. Натижада мақсад қилинган 2-алкилтио-5-(N-ацетиламидо)-1,3,4-тиадиазоллар **28-39** (76-95%), 2-алкилтио-5-(N-хлорацетиламидо)-1,3,4-тиадиазоллар **40-51** (70-93%), ҳамда алкил(5-(бензилтио)-1,3,4-тиадиазол-2-ил)карбаматлар **53,54** (83, 86%) синтез қилиб олинди:



5-Расм. 29-Бирикманинг кристалдаги тузилиши.



6 Расм. 54-Бирикманинг кристалдаги тузилиши.




7 Расм. 41-Бирикманинг кристалдаги тузилиши.

2-Алкилтио-5-(N-ацетиламидо)-1,3,4-тиадиазоллар **28-39**, 2-алкилтио-5-(N-хлорацетиламидо)-1,3,4-тиадиазоллар **40-51** ва алкил-(5-(бензилтио)-1,3,4-тиадиазол-2-ил)карбаматларнинг **53,54** ¹H ЯМР спектрларида амидо гуруҳ (NH-(C=O)-) протонлари сигналлари кенг синглет кўринишида мос равишда 11.33-11.71, 12.51-12.94 ҳамда 12.01-12.02 м.у. ларда намоён бўлади. Бу сигналларни дастлабки моддаларнинг **2-12**, **20** алмашинмаган NH₂ гуруҳининг кучлироқ соҳадаги 5.27-5.78 м.у. кимёвий силжиш қийматларидан фарқ қилиши, ациллаш реакциялари мана шу гуруҳ иштирокида кетганлигини кўрсатади. **28-39** бирикмаларнинг ацетил гуруҳи (CH₃CO-) протонлари сигналлари 2.22-2.28 м.у. ва **40-51** бирикмаларнинг ClCH₂- фрагменти протонлари сигналлари 4.22-4.38

м.у. соҳаларда синглет кўринишида кузатилади. ИҚ-спектрларда NH-C=O гуруҳининг N-ацетил **28-39** бирикмаларида (C=O) 1682-1694, (NH) 1558-1575 см^{-1} , N-хлорацетил **40-51** бирикмаларда (C=O) 1700-1709 см^{-1} , (NH) 1576-1585 см^{-1} ва **53,54** карбонатлар учун эса (C=O) 1715-1723 см^{-1} , (NH) 1560-1567 см^{-1} даги ютилиш чизиклари ациллаш реакцияларининг амина гуруҳга кетганлигини тасдиқлайди. **40-51** хосилаларнинг ^{13}C ЯМР спектрларида $\text{ClCH}_2\text{C=O}$ хлорацетил гуруҳидаги CH_2 углерод атоми (C-13) кучли 42.29 м.у. ва C=O углерод атоми (C-12) кучсиз соҳада - 165.12 м.у. да сигналлар беради. **53,54** бирикмаларнинг C=O гуруҳи углерод атоми (C-9) сигнали ҳам кучсиз соҳада, 161.70 м.у. да кузатилади. Шунингдек, **28-51** бирикмаларнинг масс-спектр m/z қийматлари ва РТТ натижалари (5-7 расмлар) уларнинг тузилишини тўлиқ исботлайди. Шунини таъкидлаш керакки, ХАХ билан ациллашни анча қаттиқ шароитда (толуол, 110 °С қайнатиш, 8 соат) олиб борилганда тахмин қилинган бициклик гетероцикл **52** модда эмас, балки 1,3,4-тиадиазол гетерохалқасида N-хлорацетамид фрагменти тутган 1,3,4-тиадиазол (**51**) 80% унум билан хосил бўлиши аниқланди.

Гетероциклик аминларни 2-алкилтио-5-(N-хлорацетиламида)-1,3,4-тиадиазоллар билан амидоалкиллаш реакциялари. Янги гетероциклик бирикмалар синтез қилиш мақсадида 2-алкилтио-5-(N-хлорацетиламида)-1,3,4-тиадиазолларни **44,49** гетероциклик аминлар (пиперидин, морфолин, сукцинимид, табиий алкалоидлар анабазин ва цитизин) билан реакциялари ўрганилди. Бунда амидоалкиллашнинг энг қулай усули реакцияларни 2:1 нисбатда (HCl акцептори аминнинг ортикча миқдори) абсолют бензолда 7 соат давомида қайнатиш эканлиги топилди. Яхши унумлар (76-87 %) билан фақат пиперидин, морфолин ва цитизин фрагментларини саклаган янги ҳосилалар - N-(2-амил(нонил)тио-5-ацетамидо-1,3,4-тиадиазолил)-пиперидин, морфолин ва цитизинлар **55-60** синтез қилинди, бунда узунроқ C занжирига эга хлорацетамид (**49**) мисолида олинган бирикмаларнинг **56,58,60** унуми юқорилик эканлиги кузатилди:




55,57,59 Бирикмаларнинг ИҚ-спектрларда амид карбонили (-NH-CO-CH₂-) 1694-1703 см^{-1} , NH- гуруҳи ютилиш частоталари 3154-3167 см^{-1} соҳада кузатилса, шу гуруҳлар **56, 58, 60** бирикмаларда мос равишда 1690-1700 см^{-1} ва 3133-3157 см^{-1} соҳаларда намоён бўлади. N-(2-Амилтио-5-ацетамидо-1,3,4-

тиадиазолил)-цитизин **59** ва N-(2-нонилтио-5-ацетиамидо-1,3,4-тиадиазолил)-цитизин **60** да 1647-1650 см⁻¹ ва 796-798 см⁻¹ соҳаларда дастлабки **44**, **49** моддалар спектрида бўлмаган цитизин фрагментининг α -пиридон ҳалқасига тегишли ютилиш чизиклари кузатилди. ¹H ЯМР спектрларида **55-60** моддалар таркибидаги NH гуруҳи протони синглет кўринишида 8.63-10.32 м.у. оралиғида намоён бўлди. **57** ва **58** моддаларнинг морфолин ҳалқаси протонлари 3.34-3.94 м.у. соҳаларда резонанс сигналлар берди. Бунда α, α' углерод атомларидаги протонлар азот атоми таъсирида нисбатан кучсизроқ бўлган 3.88-3.94 м.у. да, молекуланинг морфолин қисмидаги кислород атоми ёнидаги β, β' углеродлардаги протонлар эса кучлироқ 3.34-3.38 м.у. соҳасида намоён бўлди. **55** ва **56** бирикмалардаги пиперидин фрагменти β, β' углерод протонлари 1.78-1.81 м.у., α, α' углероддаги протонлар 3.39-3.41 м.у. да, ҳамда γ ҳолатдаги углерод протонлари эса 1.58-1.61 м.у. соҳаларда кузатилди. ¹H ЯМР спектрларида N-(2-амил-, нонилтио-5-ацетиамидо-1,3,4-тиадиазолил)-цитизинлар **59**, **60** молекуласидаги цитизин фрагменти протонлари ва цитизиндаги N-12' азоти билан боғловчи “кўприк” кўринишидаги N-CH₂-CO фрагменти метилен гуруҳи протонларининг сигналлари мавжуд. Ушбу гуруҳнинг протонлари сигналлари **44** ва **49** дастлабки моддаларда синглет кўринишида бўлган бўлса, цитизинли **59**, **60** ҳосилаларда дублет дублет кўринишидаги сигналларга ўзгариб, мос равишда 4.36-4.38 м.у. дан янада кучлироқ 3.25-3.27 м.у. соҳаларга силжиганини кўриш мумкин. Цитизин фрагментидаги бошқа протонлар (H3'- H13') цитизинга ҳос бўлган соҳаларда, 1.79-7.25 м.у. намоён бўлади. Олинган **55-60** бирикмаларнинг тузилишини ¹³C ЯМР спектр маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Дастлабки **44** ва **49** бирикмалардаги C-8 (C7-CH₂-) углероди сигнали 42.27-42.30 м.у. дан хлор атомини амин (RR'N-CH₂-) фрагментига алмашганидан сўнг **55-60** моддаларда анчагина кучсизроқ 57.93-63.23 м.у. соҳага силжиган. Шундай қилиб, гетероциклик аминларни хлорацетиламидлар **44,49** билан амидоалкиллаш натижасида илгари адабиётларда ёритилмаган таркибида 1,3,4-тиадиазол-2-тион гетероҳалқаси ва морфолин, пиперидин ҳамда цитизин алкалоиди фрагментларини тутган янги **55-60** бирикмалар олинди.

2-Алкилтио-5-амино-1,3,4-тиадиазолларнинг изотиоцианатлар билан реакциялари. Биз тиомочевина фрагменти тутган 5-амино-1,3,4-тиадиазол-2-тион ҳосилаларини синтез қилиш ва уларнинг кейинги модификациясини ўрганиш мақсадида 2-бутилтио-5-амино-1,3,4-тиадиазол **5** ва 2-бензилтио-5-амино-1,3,4-тиадиазоллар **12** мисолида изотиоцианатлар (PhNCS, KNCS, NH₄NCS) билан реакцияларини турли эритувчиларда KOH, TЭА ва K₂CO₃ иштирокида ўргандик. Реакция натижасида фақатгина фенилизотиоцианат билан кўзланган маҳсулотлар 2-бутилтио-1,3,4-тиадиазол-5-фенилтиомочевина **61** ҳамда 2-бензилтио-1,3,4-тиадиазол-5-фенилтиомочевиналар **62** диметилформаидда KOH иштирокида ҳона ҳароратида (20-25°C) 5 соат давомида олиб борилган тажрибаларда яхши унумлар (78%, 82%) билан олишга эришилди. Бу натижаларнинг

адабиётларда келтирилган унумлардан (50-63%) анча юқорилиги ушбу усул кўллаш учун самарали эканлигини кўрсатади:



R= C₄H₉ (**5**, **61**), CH₂C₆H₅ (**12**, **62**)


i= KNCS, NH₄NCS, PhNCS

a) C₂H₅OH, 20-25°C, 78°C;

b) DMFA, KOH, 20-25°C, 153°C;

c) диоксан, 20-25°C, 101°C

ii= PhNCS DMFA, KOH, 20-25°C





8 Расм. 62-Бирикманинг кристалдаги тузилиши.

Шуни таъкидлаш керакки, KNCS ва NH₄NCS билан ҳамма реакция шароитларида ҳосилалар олинмади. Синтез қилиб олинган **61**, **62** бирикмаларнинг ИҚ-спектрларида тиомочевина қолдигидаги иккита NH ва C=S гуруҳларига тегишли ютилиш соҳаларини мос равишда 3190-3195 см⁻¹, 3324-3325 см⁻¹ ва 1241-1243 см⁻¹ да мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин. ¹H ЯМР спектрларида алмашинмаган NH₂ протонлари сигналлари ўрнига (5.60 м.у.) мочевина гуруҳига тегишли бўлган иккита NH протонлари сигналлари синглет кўринишида **61** бирикмада 10.42, 13.72 м.у. соҳаларда кузатилса, **62** моддада ушбу протонлар бирмунча кучлироқ соҳада – 7.07, 10.20 м.у. ларда кузатилади. Шу билан бирга **61,62** моддаларда дастлабки **5,12** бирикмаларда бўлмаган фенилтиомочевина бўлагининг фенил ҳалқаси протонлари ҳам ароматик бирикмаларга ҳос бўлган соҳаларда 7.11-7.65 м.у. тегишли сигналлар бериши, ¹³C ЯМР спектрларида тегишли C атомлари сигналларининг мавжудлиги ҳамда масс спектр ва РТТ таҳлили (8-расм) маълумотлари фенилтиомочевина фрагментли **61,62** ҳосилаларнинг тузилишини тўлиқ тасдиқлайди.

2-Алкилтио-5-амино-1,3,4-тиадиазол ҳосилаларининг гетероҳалқаланиш реакциялари. 2-Алкилтио-1,3,4-тиадиазол-5-фенилтиомочевиналарнинг хлорсирка кислотаси этил эфири ва фенацил бромид билан гетероҳалқаланиш реакциялари. Маълумки, таркибида тиазолидин-4-он ва тиазол гетероцикларини тутган кўплаб бирикмалар турли фармакологик фаолликларни намоён қилади. Шунингдек, бундай бирикмалар таркибида фаол -CH=, CH₂- ва C=O гуруҳларини мавжудлиги улар каби моддаларни синтез қилиш ва улар билан тадқиқотлар олиб бориш кизиқарли эканлигини билдиради. Тадқиқотлар 2-алкилтио-1,3,4-тиадиазол-5-фенилтиомочевиналарни **61,62** хлорсирка кислотаси этил эфири ҳамда фенацил бромид билан реакциялари реагентларнинг эквимольяр миқдорларини этанолда хона ва эритувчининг қайнаш ҳароратида ТЭА иштирокида ва триэтиламинсиз 6 соат давомида олиб борилди. Натижада фақат ТЭА билан хона ҳароратида 15-20% ва эритувчининг қайнаш ҳароратида мос равишда 71,80% ҳамда 77,70% унумларда ҳалқаланиш

реакцияси махсулотлари, янги 5-((2-алкилтио)-1,3,4-тиадиазол-2-ил)имино-3-фенилтиазолидин-4-онлар **63**, **64** ва N-(5-(алкилтио)-1,3,4-тиадиазол-2-ил)-3,4-дифенилтиазол-2(3Н)-иминлар **65**, **66** синтез қилиб олинди:




9 Расм. 63-Бирикманинг кристалдаги тузилиши


Ҳалқаланиш махсулотининг (**63**) ИҚ-спектрида, дастлабки **61** бирикманинг фенилтиомочевина ($\text{NHCSNHC}_6\text{H}_5$) фрагментига тегишли бўлган $3190\text{-}3325\text{ cm}^{-1}$ ва $1241\text{-}1243\text{ cm}^{-1}$ соҳалардаги ютилиш чизиклари йўқолиб, CH_2 гуруҳига тегишли ютилиш $2930\text{-}2957\text{ cm}^{-1}$ да, 1731 cm^{-1} $\text{C}=\text{O}$ гуруҳига ва 1555 cm^{-1} $-\text{N}=\text{C}$ гуруҳларига мос келадиган янги ютилиш чизиклари пайдо бўлди. Ушбу **63** бирикманинг ^1H ЯМР спектрида 4.07 м.у. да **61** бирикмада мавжуд бўлмаган янги метилен гуруҳининг протонига тегишли синглет сигнали кузатилди. Шунингдек, **63** бирикманинг ^{13}C ЯМР - $13.69(\text{C-}10)$, $22.01(\text{C-}9)$, $31.31(\text{C-}8)$, $33.41(\text{C-}7)$, $34.27(\text{C-}12)$, $128.15(\text{C-}2',6')$, $129.44(\text{C-}4')$, $125.55(\text{C-}3',5')$, $162.77(\text{C-}2)$, $163.82(\text{C-}11)$, $170.05(\text{C-}13)$, $171.74(\text{C-}5)$ ва масс спектри натижалари ($\text{C}_{15}\text{H}_{16}\text{N}_4\text{OS}_3$, $365\text{ } m/z$ (M^+)) ҳамда РТТ маълумотлари (9-расм) унинг таклиф қилинаётган структурасига тўлиқ мос келади. Олинган **65** бирикманинг ИҚ-спектрида янги $-\text{N}=\text{C}$ гуруҳига тегишли бўлган ютилиш 1509 cm^{-1} соҳада кузатилди. ^1H ЯМР спектрида эса дастлабки модданинг **61** мочевина фрагменти протон сигналлари йўқолиб янги тиазол халқасидаги метин гуруҳига ($-\text{CH}=\text{N}$) тегишли протоннинг 6.52 м.у. да синглет сигнали пайдо бўлди. Дифенилтиазол халқасидаги иккита фенил гуруҳларининг 10 та протонлари $7.06\text{-}7.37$ м.у. соҳаларида мультиплет ва S-бутил гуруҳининг протонлари 0.92 (3Н, т, $J=7.3$, $-\text{CH}_3$), 1.44 (2Н, секстет, $J=7.4$, $-\text{CH}_2\text{CH}_3$), 1.74 (2Н, квинтет, $J=7.3$, $-\text{CH}_2\text{CH}_2\text{CH}_3$), 3.23 (2Н, т, $J=7.3$, S-CH_2) кўринишида кузатилди. **65** бирикманинг ^{13}C ЯМР спектрида унинг тузилишига мос келадиган барча углерод атомларининг сигналлари борлиги тасдиқланди: $13.70(\text{C-}10)$, $22.00(\text{C-}9)$, $31.52(\text{C-}8)$, $33.56(\text{C-}7)$, $104.55(\text{C-}12)$, $128.43(6',2')$, $128.51(6'',2'')$, $128.85(4',4'')$, $128.96(5',5'')$, $129.06(3',3'')$, $130.84(\text{C-}1'')$, $137.24(\text{C-}1')$, $139.68(\text{C-}13)$, $158.53(\text{C-}11)$, $162.90(\text{C-}2)$,

борлиги аниқланди. Бу маълумотлар ^{13}C ЯМР спектри бўйича ҳам ўз тасдиғини топди - **68** бирикма таркибида бўлиши мумкин бўлган алициклик углерод атомини 42 м.у. соҳада, фенил гуруҳининг углеродлари 120-140 м.у. соҳада ва 178 м.у. соҳада $\text{C}=\text{S}$ гуруҳининг углерод сигналлари кузатилмади. Аксинча, **67** модда спектрида ҳалқадаги $\text{C}=\text{N}$ гуруҳи углерод (C-6) сигнали 98.41 м.у. да ва 21.80 м.у. да ацетил гуруҳининг CH_3 даги (C-12) углерод атоми сигнали қайд қилинди. Кўрсатиб ўтилган углерод атомлари сигналларидан ташқари **67** модда спектрида $\text{S}-\text{C}_4\text{H}_9$ углеродлари - 13.89 м.у. (C-17), 21.27 (C-16), 30.87 (C-15), 33.26 (C-14), тиадиазол ҳалқасидаги углеродлар - 156.33 (C-2), 160.33 (C-9), пиримидин ҳалқасидаги углеродлар - 161.48 (C-7), 162.31 (C-5) ва ацетат фрагментидаги тўртламчи углерод атоми - 167.21 (C-11) м.у. ларда мавжуд. ^1H ва ^{13}C ЯМР спектр маълумотлари билан бирга **67** модда ИҚ-спектридаги 1471 см^{-1} соҳадаги $\text{CH}=\text{C}$ гуруҳига, 1519 см^{-1} соҳадаги $-\text{N}=\text{C}$ гуруҳига, 1708 см^{-1} ва 1769 см^{-1} даги $\text{C}=\text{O}$ гуруҳларига тегишли ютилиш сигналлари ҳамда унинг масс спектрида тегишли молекуляр ионга хос фрагментнинг ($\text{C}_{11}\text{H}_{13}\text{N}_3\text{O}_3\text{S}_2$, m/z 300 (M^+)) ҳосил бўлиши бирикмани 2-(бутилтио)-5-оксо-5Н-[1,3,4]-тиадиазоло[3,2-а]пиримидин-7-илацетат **67** деб номлашга асос бўлди.

Шундай қилиб, 2-бутилтио-1,3,4-тиадиазол-5-фенилтиомочевинани **61** малон кислотасининг тенг миқдори билан реакцияси (ацетил хлорид, 51-52 °С, 3 соат) натижасида, илмий адабиётларда ёритилмаган, асоси 1,3,4-тиадиазолпиримидин конденсирланган гетероҳалқали янги бирикма - 2-(бутилтио)-5-оксо-5Н-[1,3,4]-тиадиазоло[3,2-а]пиримидин-7-илацетат **67** яхши унум (73%) билан олинди ва уни ҳосил бўлишининг тахминий механизми таклиф қилинди:



2-Алкилтио-5-(N-хлорацетиламино)-1,3,4-тиадиазолларнинг KSCN, NH₄SCN ва NH₂C(S)NH₂ билан реакциялари 2-Алкилтио-5-амино-1,3,4-тиадиазол ҳосилаларининг кимёвий ўзгаришларини ўрганишни давом эттириб 2-амил(нонил)тио-5-(N-хлорацетиламино)-1,3,4-тиадиазоллар мисолида **44,49** аммоний тиоцианат (NH₄SCN), калий тиоцианат (KSCN) ва тиомочевина (NH₂C(S)NH₂) билан реакциялари ўтказилди:



i = KSCN, NH₄SCN, a) спирт (78°C), b) ацетон (56°C), c) ДМФА (90-100°C)


ii = CS(NH₂)₂, Na₂CO₃, CH₃OH (65°C)

R = CH₂CH₂CH₂CH₂CH₃ (**6,44,69**), CH₂CH₂CH₂CH₂CH₂CH₂CH₂CH₂CH₂CH₃ (**49,70**)

Реакциялар 2-алкилтио-5-(N-хлорацетиламино)-1,3,4-тиадиазоллар **44, 49** ва NH₄SCN, KSCN ларнинг эквимольяр миқдорларини этил спирти ва ацетоннинг қайнаш ҳароратларида, ҳамда ДМФА да 95-100 °C ҳароратда 3-соат давомида қиздириш билан олиб борилди. Бунда NH₄SCN ва KSCN билан олинган реакция маҳсулотининг энг юқори унумларига этанолда қайнатишда (87% ва 81%) эришилди, ацетонда унумлар мос равишда 78% ва 74% ташкил килди. ДМФА да ўтказилган тажрибаларда фақат ЮҚХ орқали янги маҳсулот ҳосил бўлгани аниқланди.

Синтез қилинган **69** бирикманинг ИҚ-спектрида 3170 см⁻¹ да NH гуруҳига, 2955 см⁻¹ CH₂, 1735 см⁻¹ C=O ва 1590 см⁻¹ соҳаларда ҳалқадаги C=N гуруҳлари ютилишлари кузатилди. ¹H ЯМР спектрида **69** модда учун дастлабки бўлган **44** бирикмадаги -C(O)-CH₂ фрагмент протонлари синглет сигнали 4.38 м.у. дан кучлироқ соҳага - 3.98 м.у. га ва NH гуруҳи протонларининг кенг синглет кўринишидаги сигналлари мос равишда 12.91 м.у. дан 12.17 м.у. га силжиган. ¹³C ЯМР спектрда **44** бирикманинг -C(O)-CH₂ фрагменти метилен углероди (C-14) сигнали 42.30 м.у. дан нисбатан кучлироқ - 35.94 м.у. соҳага силжиганини, ҳамда C=O гуруҳи сигнали аксинча 165.14 м.у. дан кучсизроқ 173.88 м.у. га (C-13) ўзгаргани кузатилди. Булардан ташқари ушбу спектрда **44** моддада мавжуд бўлмаган янги тўртламчи углерод (C-12) атоми сигнали 165.53 м.у. да борлиги аниқланди. **69** Бирикманинг спектрал (ИҚ-, ¹³C ва ¹H ЯМР) маълумотлари, ҳамда масс спектри (C₁₀H₁₄N₄OS₃, m/z 303(M⁺)) натижалари янги 2-((5-амилтио)-1,3,4-тиадиазол-2-ил)имино)тиазолидин-4-он **69** бирикманинг тузилишини тўлиқ тасдиқлайди. Шундай қилиб, 2-алкилтио-5-(N-хлорацетиламино)-1,3,4-

тиадиазолларнинг NH_4SCN ва KSCN билан реакциялари натижасида гетероҳалқаланиш содир бўлиб, бунда таркибида 1,3,4-тиадиазол ва кейинги кимёвий ўзгаришларни ўтказиш имконини берувчи тиазолидин-4-он гетероҳалқаси тутувчи янги бигетероциклик бирикмаларни - 2-((5-алкилтио)-1,3,4-тиадиазол-2-ил)имино)тиазолидин-4-онларни синтез қилишнинг қулай усули топилди. Синтез қилиб олинган **69** ва **70** бирикмаларнинг ҳосил бўлиши тахминий механизмини қуйидагича тасвирлаш мумкин:



Шуни таъкидлаш керакки 2-амилтио-5-(N-хлорацетиламино)-1,3,4-тиадиазолнинг **44** тиомочевина ($\text{NH}_2\text{C}(\text{S})\text{NH}_2$) билан метанолда Na_2CO_3 иштирокидаги реакциясида кутилган гетероҳалқаланиш содир бўлмасдан, аксинча, дастлабки алкил маҳсулот - 2-амилтио-5-амино-1,3,4-тиадиазол **6** ҳосил бўлди.

Диссертациянинг “Синтез қилинган бирикмаларнинг биологик фаолликлари” бобида олинган бирикмаларнинг биологик фаолликларини ўрганиш натижалари келтирилган. Биотестлар ўсимлик моддалари кимёси институти Органик синтез ва ўсимликларни химоя қилиш бўлими ва Молекуляр генетика лабораториясида амалга оширилди.

Фунгицидлик, ўстирувчилик ва ингибирловчи фаолликлар. Олинган бирикмаларнинг **2-11** фунгицидлик *Xanthomonas malvacearum* (гоммоз), *Fusarium oxysporum* (фузариум) фаоллиги лаборатория шароитидаги бирламчи скрининги уларни анча суст фунгицидлик хусусиятига эга эканлигини кўрсатди. Ўстирувчилик ва ингибирловчи фаолликлар **2-11**, **23**, **25-27** бирикмалар мисолида бирикмаларнинг 1.0, 0.1, 0.01, 0.001 % ли эритмаларида ўрганилди (эталон Гранстар 75%, сувда эрувчи гранула). Ҳар икки тест ўсимликларида (бугдой - бир паллали ва бодринг - икки паллали) **2**, **23**, **25-27** бирикмалар 1.0, 0.1% концентрацияларда ингибирлаш фаолликка эга эканлиги аниқланди.

Инсектицидлик фаоллиги. Синтез қилиб олинган 5-амино-1,3,4-тиадиазол-2-тионни алкил ҳосилалари (**T 1-11**) яшил олма шираси (*Aphis pomi*) ва тўрт нуктали донхўр (*Callosobruchus maculatus*) мевали дарахтлар зараркундаларига нисбатан инсектицидлик фаолликлари 0.1%, 0.01%, 0.001% концентрацияларда текширилди (эталон - карбафос). **T-1** бирикманинг биологик самарадорлиги ҳар 3 хил концентрацияда энг юқори (100%) эканлиги аниқланди, **T-2** бирикманинг фаоллиги эса ушбу

концентрацияларда мос равишда 100, 90 ва 80% ни ташкил қилди. Бу маълумотлар синовларнинг кейинги босқичи, ёпик тупрок (теплица) шароитида ҳам тасдиқланди. Олинган натижалар ушбу йўналишдаги тадқиқотларни давом эттириш истикболли эканлигини кўрсатади.

Микроб ва замбуруғларга қарши фаоллик. S-алкилхосилалардан бензил ҳалқасида ўринбосар тутмаган 2-бензилтио-5-амино-1,3,4-тиадиазол **12**, 2,6-ҳолатларда хлор ва фтор атомларини тутган хосилалар фақат грамманфий *Escherichia coli* га қарши кучсиз (6-7 мм) фаоллик намоён қилди. [5-Амино-(1,3,4-тиадиазол)-2-илтио] сирка кислотаси алкил эфирлари (**23-27**) фақат грамманфий *Escherichia coli* га қарши кучсиз (6-7мм) фаоллик намоён қилган бўлса, бутил (**25**) ҳамда амил (**26**) эфирлари граммусбат *Bacillus subtilis* бактериясига қарши кучлироқ, мос равишда 8-10 мм фаолликни намоён қилади. 2-Алкилтио-5-(N-ацетил(хлорацетил)амидо)-1,3,4-тиадиазоллардан N-ацетил гуруҳи тутган **28-38** хосилалари ўрганилаётган тестларнинг ҳеч бирига қарши фаоллик кўрсатмади, N-ацетил гуруҳини N-хлорацетил гуруҳга алмаштириш (**40-50** бирикмалар) натижаларнинг кескин ўзгаришига олиб келди. Бунда 2-метилтио-5-(N-хлорацетил)-амино-1,3,4-тиадиазолнинг **40** ингибирлаш зонаси граммусбат *Bacillus subtilis*, *Staphylococcus aureus* бактерияларда 13-14 мм, грамманфий *Pseudomonas aeruginosa*, *Escherichia coli* бактерияларда мос равишда 10-11 ва 12-13 мм, *Candida albicans* замбуруғ штаммига қарши эса 8-9 мм ни ташкил қилди. Лекин, S-алкил занжири узунлиги ортиб борганда фаоллик граммусбат *Bacillus subtilis*, *Staphylococcus aureus* бактерияларда бутил радикалигача 6-8 мм гача камайиб, кейинги алкил радикалларида фаолликнинг умуман йўқолганини кузатиш мумкин.

Цитотоксик фаоллик. Синтез қилинган бирикмалардан бир нечтаси бачадон бўйни карциномаси (**HeLa**) ва қизил ўнгач аденокарциномаси (**HEp-2**) каби саратон хужайраларига нисбатан фаоллиги замонавий *in vitro* усулида синовдан ўтказилди. Олинган натижалар 5-амино-1,3,4-тиадиазол-2-тион **1**, 2-алкилтио-5-амино-1,3,4-тиадиазоллар **2-11**, 2-алмашинган бензилтио-5-амино-1,3,4-тиадиазоллар **12-17**, 2-алкилтио-5-(N-ацетилаמידо)-1,3,4-тиадиазоллар **28-39** тест саратон хужайраларига нисбатан фаоллик кўрсатмади. Лекин, Cl атоми сақлаган 2-алкилтио-5-(N-хлорацетилаמידо)-1,3,4-тиадиазолларда **40-51** S-алкил гуруҳидаги алкил радикалининг ҳажмига қараб **HeLa** ва **HEp-2** хужайраларига нисбатан фаоллик намоён бўлиши аниқланди. Бунда S-алкил радикалининг узайиб бориши билан фаолликнинг ортиб боришини ва энг юқори натижалар (IC_{50} , μM) C_4H_9 ҳамда C_5H_{11} гуруҳи тутган бирикмаларда мос равишда **43** учун 42.9 ± 5.0 , 71.5 ± 2.9 ва **44** бирикма учун 37.9 ± 2.1 , 56.6 ± 2.0 эканлиги кузатилди. Бу кўрсаткичлар эталон препарат цисплатиннинг натижаларига (38 ± 2.5 , 68.6 ± 3.4) яқин ёки бирмунча юқорироқ. Ҳар икки хужайрага нисбатан фаоллик алкил радикалини бутилдан кейин узайиб боргани сари ҳамда ароматик бензил радикалига алмашганида камайиб борганлиги кузатилди. Олинган натижалар асосида 2-

алкилтио-5-(N-хлорацетиламино)-1,3,4-тиадиазоллардаги S-алкил радикалининг ҳажмига қараб фаолликнинг ўзгариши бўйича “тузилиш-фаоллик” ўзаро боғлиқлик қатори топилди.

Яллигланишга қарши фаолликни лаборатория шароитида протеиназани ингибирлаш тестларида амалга оширилди. Бунда 46, 49 бирикмалар, жумладан, янги 65 ва 69 бигетероциклик бирикмалар 100 мкМ концентрацияда қийслаш препарати диклофенак кўрсаткичларига тенг ёки ундан юқори натижалар бергани аниқланди ва бу натижалар келажакда ушбу тадқиқотларни давом эттиришга асос бўлади.

Диссертациянинг **тўртинчи бобида** тажрибавий қисм, кимёвий ўзгаришларни олиб бориш услублари ва синтез қилинган бирикмаларнинг физик-кимёвий тавсифлари келтирилган.

Хулосалар

1. Илк бор 5-амино-1,3,4-тиадиазол-2-тион ҳосилаларининг самарали синтези, уларни селектив алкиллаш, ациллаш ва гетероҳалкалаш реакциялари тизимли равишда олиб борилиб 67 та (47 та янги) бирикма синтез қилинган ва тузилиши замонавий физик тадқиқот усуллари билан тўлиқ исботланган.

2. 5-Амино-1,3,4-тиадиазол-2-тионни алкилгалогенидлар билан алкиллаш реакциялари региоселектив тарзда кетиши ва S-алкил маҳсулотлар ҳосил бўлиши аниқланган.

3. Илк мартаба 2-алкилтио-1,3,4-тиадиазол-5-фенилтиомочевиналар асосида реакция қобилияти юқори функционал гуруҳлар (CH_2 -, $-\text{CH}=\text{}$, $\text{C}=\text{O}$) сақлаган истиқболли янги 1,3,4-тиадиазоллар олишнинг мақбул шароитлари топилган.

4. 2-Алкилтио-5-(N-хлорацетиламино)-1,3,4-тиадиазолларни аммоний ва калийтиоционатлар билан гетероҳалкаланиш реакциялари натижасида молекуласида фармакофор тиазолидин-4-он ҳалқаси тутган янги бигетероциклик бирикмалар синтез қилишнинг қулай усуллари аниқланган.

5. Илк бор 2-бутилтио-1,3,4-тиадиазол-5-фенилтиомочевина, малон кислота ва ацетил хлорид иштирокида янги, аннелирланган тиадиазолопиримидинларнинг кўп компонентли бир реакторли синтез усули ишлаб чиқилган ва реакциянинг тахминий механизми тавсия қилинган.

6. Олинган янги бирикмалар орасидан инсектицидлик, цитотоксик, яллигланишга ва микробларга қарши сезиларли фаолликка эга моддалар топилган ва “тузилиш-биологик фаоллик” ўзаро боғлиқлик қонуниятлари аниқланган.

7. Ишлаб чиқилган синтез ва модификация усуллари, реакция механизмлари, шунингдек, халқаро Кембридж марказий кристаллографик маълумотлар базасига киритилган 12 та бирикманинг рентген тузилиш тахлили (РТТ) натижалари органик кимё фанида гетероциклик бирикмаларнинг тузилишини ўрганишда назарий ва амалий аҳамиятга эга.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 02/30.01.2020.К/Т.104.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ
ВЕЩЕСТВ**

ИНСТИТУТ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ

ТОШМУРОДОВ ТУРДИБЕК ТУРСУНМУРАТОВИЧ

**СИНТЕЗ И ХИМИЧЕСКИЕ ПРЕВРАЩЕНИЯ ПРОИЗВОДНЫХ
5-АМИНО-1,3,4-ТИАДИАЗОЛ-2-ТИОНА**

02.00.03 – Органическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/K209.

Диссертация выполнена в Институте химии растительных веществ.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.uzicps.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Зиёев Абдухаким Авварович
кандидат химических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Ходжаниязов Хамид Уткирович
доктор химических наук, старший научный сотрудник

Холиков Турсунали Сууюнович
доктор химических наук, доцент

Ведущая организация:

Ташкентский фармацевтический институт


Защита диссертации состоится «3 мая» 2023 г. в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSC 02/30.01.2020 К/Т 104.01 при Институте химии растительных веществ (Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77. Тел.: 71 262-59-13, факс: (99871) 262-73-48), e-mail: plantinst@icps.org.uz, ixiv@mail.ru.


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии растительных веществ (регистрационный номер № 28) (Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77. Тел.: 262-59-13, факс: (99871) 262-73-48, e-mail: nhidirova@yandex.ru).


Автореферат диссертации разослан «20 апреля» 2023 года.

(реестр протокола рассылки 7 от 20.04. 2023 года).



 М. М. Сагдуллаев
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор технических наук,
профессор

 Н. К. Хидирова
Учредитель Сектора Научного совета по присуждению
ученых степеней, кандидат химических наук,
старший научный сотрудник

 Г. Х. Ботиров
Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней,
доктор химических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире основу фармацевтических препаратов составляют синтетические гетероциклические соединения, в число которых входят пятичленные гетероциклические соединения, в частности 1,3,4-тиадиазолы, их тиоаналоги и производные. Анализ данных научных исследований, проводимых в последнее время в мире по химии гетероциклических соединений, показывает на рост количества фармакологически активных препаратов, содержащих в своем составе тиадиазольный цикл.

Проведение целенаправленных синтезов гетероциклических соединений с электрофильными и нуклеофильными реагентами, приводящих к веществам с биологической активностью, изучение факторов, влияющих на протекание реакций, и строения полученных производных, является в данное время одной из актуальных задач органической химии. Исходя из этого, в настоящее время высокими темпами развивается синтез и создание высокоэффективных лекарственных средств на основе новых производных 1,3,4-тиадиазол-2-тионов с применением способов современной органической химии. В результате этого созданы такие препараты как диуретического свойства Ацетазоламид, антибиотики Сульфаметазол и Цефазолин, антидепрессант Атибепрон, а также гербициды сплошного действия Этидибимурон и Бутиурон.

В последние годы в больших объемах осуществляются широкомасштабные реформы, охватывающие все отрасли народного хозяйства нашей Республики. При этом достигаются важные результаты по созданию препаратов, применяемых в разных отраслях народного хозяйства, особенно в сельском хозяйстве и медицине с использованием научно-исследовательских разработок, в том числе методов тонкой органической химии. В Стратегии развития Нового Узбекистана¹ намечены задачи по «стимулированию научно-исследовательской и инновационной деятельности, созданию эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений». При реализации этих задач важное значение имеют выполнение целенаправленных синтезов новых производных 5-амино-1,3,4-тиадиазол-2-тионов, определение биологической активности полученных соединений и создание на их основе препаратов с фармакологическими (противомикробными, противогрибковыми, цитотоксическими и др.) и пестицидными (ингибирующими рост растения, инсектицидными) свойствами.

Исследования данной диссертационной работы в определенной степени направлены на выполнение задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан: ПП-4805 от 12 августа 2020 г. «О мерах по повышению качества непрерывного образования и научной эффективности в области химии и биологии», Указа Президента Республики

¹ Указе Президента РУз от 21 января 2022 года № УП-55 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2022-2026 годах»

